

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА БЮРОСИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда бўлиб турган ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Ўзбекистон билан ДИИХБ ўрта-сидаги конструктив мулоқот ва самарали шериклики ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик ривожига кейинги йилларда жиддий олдинга силжишга эришилганини мамнуният билан қайд этди. Бюронинг кенг қўламли миссияси илк бор мамлакатимиздаги Президент ва парламент сайловларини кузатишда иштирок этди.

ДИИХБнинг тавсияларини имплементация

қилишда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини қабул қилиш ва такомиллаштириш доирасида муваффақиятли ҳамкорлик олиб борилгани таъкидланди.

Бюро экспертлари Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия ҳамда виждон эркинлиги ва диний таъкилотлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга жалб этилган эди.

Ўзбекистон ДИИХБ билан, энг аввало, инсон ҳуқуқлари, сўз, дин ва эътиқод эркинлиги, гендер тенглик, ёшларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривож-



лантириш, амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг ҳуқуқий базасини илгор халқаро амалиёт асосида мустаҳкамлаш борасида узоқ муддатли ва самарали шериклики давом эттиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган муҳим тадбирларга тайёргарлик қўриш бўйича биргаликда ишлаш мақсадида май ойида Бюронинг баҳолаш миссияси юртимизга келади.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео

Мекаччи самимий қабул ҳамда очиқ ва мазмунли суҳбат учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Директор мамлакатимиздаги барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган кенг қўламли ислохотларни қатъий қўллаб-қувватлаб, Бюро уларни муваффақиятли амалга оширишга, ҳар томонлама қўмаклашишга тайёр эканини билдирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ ВА КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30 апрель куни ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қурилиш материаллари, уй жиҳозлари, маиший хўжалик моллари, кийим-кечак ва озиқ-овқат аҳоли энг кўп харид қиладиган товарлардан. Уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш осон ва арзон. Қолаверса, бу йўналиш қишлоқларга саноат кириб бориши, одамлар иш билан таъминланишида ҳам муҳим омил.

Масалан, сўнгги уч йилда мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар ошган. Лекин маҳсулотлар ҳажми ва турлари ҳали ички эҳтиёжни тўлиқ қоплаётгани йўқ. Умуман, ўтган йили қарийб 1 миллиард долларлик қурилиш материаллари импорт қилинган.

Юртимизда кўплаб уй-жойлар, завод ва корхоналар, иктимой объеклар қурилмоқда. Булар ҳам қурилиш материаллари, турдош маҳаллий саноат маҳсулотларига талабни оширади.

Шу боис йиғилишда маҳаллий саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

— Қўриб турибсизлар, бутун дунёда иқтисодиёт бўйича вазият оғир. Хеч кимга осон бўлаётгани йўқ. Шунинг учун бор имкониятдан фойдаланиб, пешона теримиз билан топган пулимизни халқимизга ҳалол етказиб, натижага эришишимиз керак. Маҳаллий саноатни ривожлантириш ҳокимларнинг

қўлидаги масала. Ақл билан, пухта иш тутса, бунинг замирида жуда кўп ишчи жойи, тадбиркорларнинг манфаатдорлиги, одамларнинг розилиги бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ишларни “ички талабни ўрганиш — импорти таҳлил қилиш — ресурс базасини аниқлаш — янги лойиҳалар ишлаб чиқиш” занжири асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига маҳаллий саноатнинг ҳар бир йўналиши, хусусан, қурилиш материаллари, тўқимачилик, ипакчилик, фармацевтика, электротехника, чарм-поябзал, заргарлик, чинни буюмлари, мебелсозлик, озиқ-овқат саноати каби тармоқлар бўйича ҳудудлар кесимида алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 24 та тумани қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш тақлифини қўллаб-қувватлади. Бу ҳудудлардаги мавжуд хом ашё ва йир-қи заводлар инфратузилмасидан фойдаланиб, уларга яқин жойда янги корхоналар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Мазкур 24 та туманда инфратузилмани яхшилаш учун бюджетдан қўшимча 400 миллиард сўм, геология ишларини амалга оширишга 100 миллиард сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

Қурилиш материаллари тармоғида умумий қиймати 5 миллиард долларлик мингдан зиёд янги лойиҳалар шакллантирилган. Бу орақали 25 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш мақсад қилинган.

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ушбу соҳадаги лойиҳалар учун 300 миллион долларлик кредит линияси очиш, банк филиалларидаги консалтинг марказлари орқали тадбиркорларга амалий ёрдам бериш тақлифи билдирилган. Президентимиз бунга қўшимча, мазкур банк орқали давлат томонидан 200 миллион доллар ажратиш бўйича қўрсатма берди.

Янги турдаги қурилиш ва пардозлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларига 15 миллиард сўмгача кафилилик берилиши таъкидланди. Шунингдек, бундай корхоналарга миллий валютадаги кредитлар бўйича Марказий банк ставкасидан 10 фоизгача ортиқ қисми ва хорижий кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 50 фоизи қўллаб берилади.

Бундан ташқари, қишлоқ жойларидаги саноат зоналари ҳамда конлар ва карьерлар учун ер солиғи 10 бараваргача камайтирилади. 500 та норуда қазилмалар кони аукцион орқали сотилиб, уларнинг негизида саноат корхоналари ташкил этилади.

Шундай имкониятлардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги лойиҳалар эвазига маҳсулот турларини кўпайтириб, импорт ўрнини тўлдириш мумкинлиги қайд этилди.

Бу борада энг самарали йўл — туман ё шаҳарга кириб келаётган импорт таркибини таҳлил қилиб, шу маҳсулотларни ҳудуднинг ўзида ишлаб чиқаришдир.

Масалан, сўнгги икки йилда 6 мингга яқин кўп қаватли уйлар қурилган бўлиб, уларга ишлатилган материаллар 30 фоизгача четдан келтирилган. Жорий йилда қурилиши режалаштирилган 100 мингга яқин хонадонларнинг ҳар бирига камида 20 — 30 миллион сўмлик электр техникаси, мебель, ошхона буюмлари ва бошқа хўжалик моллари керак.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга бозор талабини таҳлил қилиш асосида, иқтисодий самарадорлиги бор бўлган товарларни маҳаллийлаштириш, бундай лойиҳаларни ҳудудлардаги саноат зоналарига оқилона жойлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Қурилиш материаллари тармоғида бўлганидек, бошқа саноат маҳсулотлари бўйича ҳам ихтисослаштирилган туманларни белгиллаб олиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллий саноатни ривожлантиришда саноат кооперацияси ҳам жуда муҳим. Хусусан, ўтган ҳафтада Навоий шаҳрида ўтказилган саноат ярмаркасида жами 376 миллиард сўмлик мингга яқин шартномалар тузилган.

Бундай тадбирларни Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 апрель куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари Тожикистон — Қирғизистон чегарасидаги вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти юзага келган вазиятни тез фурсатда ҳал қилиш ва унинг кескинлашувига йўл қўймаслик бўйича Тожикистон ва Қирғизистон томонлари эришган келишувларни қўллаб-қувватлади.

Мавжуд барча масалалар дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатлари руҳида, фақат музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилиниши муҳим экани таъкидланди.

Тожикистонга бўлажак олий даражадаги ташрифга тайёргарликнинг бориши ҳам қўриб чиқилди. Мамлакатларимиз бош вазирлари ўтган ҳафта Хўжанд шаҳрида ўтказган амалий учрашувнинг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кенг қўламли ҳамкорликнинг янги “ўсиш нуқталари”ни биргаликда аниқлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаровнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбатда минтақавий ҳамкорлик ва икки томонлама кўн тартибидеги долзарб масалалар қўриб чиқилди.

Президентлар Қирғизистон — Тожикистон чегарасида юзага келган вазиятни ва уни тез фурсатда ҳал қилишни муҳокама қилдилар. Қирғизистон ва Тожикистон томонлари вазиятни барқарорлаштириш ва унинг янада кескинлашушига йўл қўймасликка қаратилган келишувларга эришгани мамнуният билан қайд этилди.

Юзага келаётган барча баҳсли масалалар кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик,

ишонч ва шериклик руҳидаги мулоқот асосида ҳал қилиниши зарур экани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтган саммит якунида қабул қилинган қўшма қарор ва келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш ва устувор лойиҳаларни илгари сурishi мақсадида фаол алмашинувлари давом эттириш ва ҳамкорлиқни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ў.А.

«МЕҲР-5» ОПЕРАЦИЯСИ ТУФАЙЛИ 93 НАФАР ЮРТДОШИМИЗ ВАТАН ТУПРОФИГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

Ватан — инсон учун энг улуғ ва муқаддас маскан. Шу боис ҳам уни онага қиёслашди. Зеро, ҳар бир фуқаро она бағрида, жонажон юртида бахтиёр яшаши ҳаётининг синалган ҳақиқати, десак, аини ҳақиқат.

Инсонпарварлик

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоялаш, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси давлатимиз ҳимоясида экани ва бу Бош қўмуқимизда мустаҳкам ифодасини топганидан далолат.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириғига қўра ва бевосита назорати остида хорижий юртларда қийин шароитга тушиб қолган ватандошларимизга қўмак бериш, уларни мамлакатимизга қайтариш ҳамда жамиятимизга тўлақонли мослашишини таъминлаш бўйича “Меҳр-5” инсонпарварлик операциялари амалга оширилиб келиняпти.

Бугунги кунга қадар ўтказилган “Меҳр-1, 2, 3, 4” операциялари доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб, чорасиз қолган 438 нафар аёл ва болалар мамлакатимизга олиб келинди.

Айтиш керакки, турмуш ўртоғи ёки отасининг қистови ёхуд таъсири остида уруш ўчоғига бориб қолган бу фуқаролар бугун давлатимиз, бағрикенг халқимиз ғамжўрлиги ва эътиборини ҳис этиб тинч-осу-да ҳаёт кечирмоқда. Ҳаётга ян-

гича кўз, янгича ёндашув билан қарамоқда.

Муборак Рамазон ойида ҳам АҚШ ва бошқа ҳамкор давлатлар кўмаги билан амалга оширилган “Меҳр-5” операцияси туфайли Сурия ҳудудидаги уруш қатаётган “қайноқ нуқталар”га бориб қилиб, “Ал-Хол” лагерини да уч йилдан ортиқ вақт давомида ушлаб турилган 24 нафар аёл ҳамда 69 нафар бола Ўзбекистонга қайтарилди.

— Бугунги кунда Президентимиз томонидан хато қилганларни кечириб, уларни афе этиш бўйича жуда катта ишлар амалга ошириляпти, — дейди Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Нуриддин Холиқназаров. — Навбатдаги “Меҳр-5” операцияси ҳам инсонпарварликнинг ақлол кўрсаткичидир. Айниқса, бу тадбирларнинг Рамазон ойида бўлишидаям катта маъно бор. Бу ойда бир-бирига нисбатан кечиримли бўлиш, меҳр-мурувват кўрсатиш кўпроқ намоён бўлади. Айтиш жоизки, ёт ғоя, нотўғри тушунча ва эътиқод сабаб адашиб ўзга давлатларда сарсон юрган юртдошларимизни Ўзбекистонга қайтариб олиб келиш хамирдан қил суғургандай осон кечаётгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ КОРХОНАЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемияси шароитида фуқаро авиацияси корхоналарини қўллаб-қувватлаш, соҳада трансформация жараёнларини жадаллаштириш, авиация хизматларини янада диверсификация қилиш, аҳолига уларнинг нарх ва сифат жиҳатидан оммабоплигини таъминлаш мақсадида:

1. 2021-2022 йилларда “Uzbekistan Airways” АЖ ва “Uzbekistan Airports” АЖда трансфор-

мация жараёнларини жадаллаштириш бўйича “йўл хариталари” 1 ва 2-илова-ларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молия вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, халқаро аэропортларнинг ижро этувчи органи ваколатларини, истисно тариқасида, шартнома асосида “Uzbekistan Airports”

АЖга бериш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой муддатда “Uzbekistan Airports” АЖ ва халқаро аэропортларнинг ижро этувчи органлари ўртасида халқаро аэропортларни ҳақ эвазига бошқариш тўғрисидаги шартномаларнинг тузилишини ва ички ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар

қиритилишини таъминласин. Бунда бошқарувчининг қуйидаги асосий вазифалари назарда тутилсин:

аэропортларни ривожлантириш ягона стратегияси ва корпоратив сиёсатни амалга ошириш, аэропортлар фаолиятига методологик раҳбарлик қилиш;

(Давоми 2-бетда).



САМАРҚАНДДА ҚОЗОФИСТОННИНГ БОШ КОНСУЛХОНАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон Марказий Осиёда ўз ўрнига ҳамда салоҳиятига эга давлатлар ҳисобланади. Қолаверса, ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ ришталари минг йиллар давомида шаклланган умумий тарих, тил ҳамда маданиятга асосланган. Икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар сўнгги йилларда яқин қўшничилик ва стратегик шериклик асосида изчил ривожланиб бормоқда.

Дўстлик риштаси

Самарқанд шаҳрида Қозоғистон Республикаси Бош консулхонасининг очилиши ҳам ана шу дўст ва қардош халқлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг амалдаги ёрқин намунаси бўлди. Шу муносабат билан ўтказилган тadbирда қатнашган Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дархан Сатибалди, Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов ҳам айни жиҳатларни яна бир бор эътироф этди.

— Самарқандда Бош консулхонамизнинг ташкил этилиши Қозоғистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарларининг икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ҳамда азалий дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари маҳсулидир, — деди Қозоғистон элчиси Дархан Сатибалди ўз табрик сўзида. — Айниқса, кейинги беш йилда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик кучайди. Бугунги кунда Қозоғистонда Ўзбекистоннинг иккита консулхонаси фаолият кўрсатмоқда. Биз Бош консулхонамиз учун Самарқандни танлаганимиз бежиз эмас. Сайёҳлик бора-сида Самарқандда катта имкониятлар мавжуд. Биз кеча вилоятдаги бир қатор корхоналар фаолияти билан танишиб, уларнинг Қозоғистон билан яқин ҳамкорликда иш-лаётганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, яқинда Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган замонавий автобуслардан 50 таси Туркистон шаҳрига етказиб берилди. Йил якунига қадар яна 200 та шун-

дай автобус харид қилиш режалаштирилган. Бош консулхонамиз бу алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишга ишонамиз.

— Бу йил Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 29 йил тўлади, — деди Эркинжон Турдимов маросимда. — Ўтган йиллар давомида давлатларимизнинг яқин қўшничилик ҳамда стратегик шерикликка асосланган алоқалари мустаҳкамланди. Айниқса, кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг ташаббуси билан бу ҳамкорлик янги bosқичда давом этмоқда. Мазкур консулхона ҳам бунинг натижаси, десак, муболаға бўлмайди. Ўтган йил якунларига қўра, вилоятимизнинг Қозоғистон билан ўзаро товар айланмаси 147 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бугунги кунда Самарқандда Қозоғистон капитали иштирокida 15 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Меҳмонлар Бош консулхонанинг расмий очилишидан сўнг бу ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

— Самарқанд нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатлари учун ҳам Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган қадимий шаҳар сифатида ниҳоятда қадрли ва муҳим аҳамиятга эга. Чўнки сўнгги йилларда бу ерда туризм ҳамда саноат соҳаси жадал ривожланиб бормоқда, — дейди Қозоғистоннинг Самарқанддаги Бош консули Азамат Аубеков. — Эътиборлиси, яқин йилларда шаҳар 1 миллион аҳолига эга гўшага айланади ва унинг мақоми янада ошади.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ АХБОРОТ ТИЗИМИ ВА ЮТУҚЛИ ЧЕКЛАР

солиқ тўловчиларга нима беради?

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари учун “Солиқ қонунчилиига риоя этилишини таъминлашда жамоатчилик назоратининг аҳамияти” мавзусида уюштирилган пресс-турда айни янгиликлар хусусида маълумот берилди.

Пресс-тур

Қайд этилдики, Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ ҳуқуқбузарликлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муножаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда бундай ҳолатларни кескин қисқартириш мақсадига “Soliq hamkor” ахборот тизими ишлаб чиқилган. Унда муножаатларни қабул қилишнинг аънанавий шаклларидан ташқари “Soliq hamkor” телеграм боти, Tekshiruv.soliq.uz сайти, “Soliq” мобилъ иловаси орқали хабар бериш имкони мавжуд.

Тизимда “Харид чеки бермаслик”, “Банк пластик картаси орқали тўлов қабул қилишни рад этиш”, “Пластик картада тўлов қилинганда маҳсулотни қимматроқ сотиш” ва “Ноконуний фаолият юритиш” каби тўрт йўналишда муножаат йўллаш мумкин.

Тизимнинг яна бир афзаллиги шундаки, хабарлар Давлат солиқ қўмитаси томонидан алоҳида назоратга олинмади. Юборилган маълумотлар қабул қилинганлиги, кўриб чиқиш бораёни ва яқуний натижаси бўйича муножаатчига SMS кўринишида ахборот тақдим этиб борилади.

Мухими, “Soliq hamkor” орқали келиб тушган хабарлар сайёр солиқ текшируви ўтказиш учун эса бўлади. Бинобарин, Давлат солиқ хизмати органларида “Soliq hamkor” ахборот тизими орқали келган муножаатлар асосида жорий йилнинг биринчи чорағида 1 минг 354 та солиқ текшируви ўтказилган бўлса, шундан 1 минг 333 таси, яъни 98,5 фоизи харид чеки берилмаслиги билан боғлиқдир.

Ушбу таҳлилларга асосланиб, Давлат солиқ қўмитаси “хўфидна иқтисодиёт”га қарши курашишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, хусусан, истеъмолчиларни харид чекини талаб қилишга ундовчи ютуқли чек ўйинларини ўтқа-

Дилшод УЛУГМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи истиклол шарофати билан халқимиз иродаси туфайли муваффақиятли амалга оширилган йирик лойиҳалардан бири. Ушбу лойиҳа сиёсий мустақиллиkning иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган дастлабки қадам сифатида ҳам эсланади.

Нефтни қайта ишлаш иқтисодиёт тармоқларининг келажагини белгилловчи соҳа ҳисобланади. Жумладан, геология-қидирув, қазиб олиш, кимё, ёқилғи-энергетика, авиация ва автомобиль саноати каби ўнга яқин муҳим аҳамият касб этадиган турдош соҳаларни ҳам юксалишга етаклайди. Нефтни қайта ишлашдаги яратилган битта иш ўрни алоқадар соҳаларда ҳам бандлик масаласи миқёсини кенгайтиради, технологиялар жорий этилишига туртки беради.

Хуллас, мустақиллиkning дастлабки йилларида Франция давлати билан ҳамкорликда ташкил қилинган корхонада хом ашёни чуқур қайта ишлаш, маҳсулотни экспорт қилиш

имконияти туғилди. Завод ишга тушганидан буён ўтган йиллар ичида саҳро қўйида кироий шаҳарча вужудга келди. Шу давр мобайнида унда инфратузилма шаклланиб, инсонларнинг фаровон яшashi ва меҳнат қилиши учун қўлай шарт-шароит яратилди.

Бугунги кунда корхона нафақат мамлакатимиз, балки чет эллардаги истеъмолчи харидорларнинг ҳам юқори сифатли нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини узлуқсиз қондирмоқда. Завод фаолияти натижасида республикамиз нефть мустақиллигига эришибгина қолмай, нефть ва газ, уларни қайта ишлашдан олиннадиган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридagi ўрни ҳамда мавқеини мустаҳкамлаш истикболларини ҳам белгилаб олди.

Юртимиз иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга мазкур гигант **корхона директори Акбар ҒОЗИЛОВ** билан суҳбатимиз заводнинг бугунги фаолияти ва эртанги истикболи хусусида бўлди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи:

ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



Сиёсий мустақиллиkning иқтисодий асоси

— Диёримиз Менделеев жадвалининг деярли барча элементига бой мамлакат ҳисобланади, — дейди “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ директори Акбар Ғозилов. — Масала шундаки, уларни кам харажат эвазига қазиб олиб, қайта ишлашга қодир корхоналардан ва мутахассислар тайёрлаш зарур. Экологияга салбий таъсири минималлаштириш ҳам шу қатордаги вазифалардан. Сўнгги йилларда бизнинг корхона нефть-газ саноати истiqболини белгилаб берувчи тармокнинг йирик объектиларидан бирига айланган. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мазкур соҳа ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган қўлай шарт-шароитлар кўплаб замонавий мажмуа ва йирик корхоналарда бу табиий бойлиқни ўзлаштириш, уни чуқур қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш имконини бермоқда. Натижада бирламчи ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган ички эҳтиёж тўлиқ таъминланиши баробарида, хом ашё ҳамда маҳсулотлар экспорт мунтазам равишда ошириляпти.

Соҳанинг муҳимлиги замон билан ҳамнафас, таъбир жоиз бўлса, бир қадам олдин юришини такозо этади. Шу боис инновацион лойиҳаларни жорий этиш, мавжуд қувватларни технологик янгилаш тадбирларни изчил олиб боришмоқда. Натижада эса тармокда меҳнат самарадорлиги ортиб, тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминламоқда. Модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари технологик янгиликлардан кўламани янада кенгайтириб, сифат жиҳатидан юқори bosқичга кўтарди.

Бугун юртимизда оқилона инвестиция сиёсати юритилиб, нефть-газ саноатида жаҳон андозаларига мос, асосийси, энергия тежамкор ускуналар жорий қилинмоқда. Бунга тизимдаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланган заводимизда амалга оширилаётган истисқболли лойиҳалар яққол мисолдир.

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ истеъмолчиларни стратегик муҳим ёқилғи турлари: автомобиль бензини, дизель ва авиация ёнилғиси ҳамда бошқа нефть маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш орқали мамлакатимиз ёқилғи-энергетика саноати ривожланишига салмоқли хисса қўшмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мутахассисларимиз биринчилардан бўлиб заводда халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган сифатни бошқариш тизимини жорий этишга киришди.

Қисқа вақт ичида ISO 9001: 2015 сифат менежменти тизими, ISO 45001: 2018 соғлиқни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини бошқариш тизими, AS9100D стандартидаги аэрокосмик тизим, ISO 50001: 2018 энергия тежамкорлик менежменти тизими ва ISO 14001: 2015 экологик стандартни жорий қилинди. Заводимиз юқоридаги бешта халқаро стандартнинг мувофиқлик сертификатига эга бўлган Марказий Осиёдаги ягона корхона ҳисобланади. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати углеводород хом

ашёсини қайта ишлаш ва замонавий турдаги нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини беради.

Технологик ўзгаришлар — эртанг кун қаfolати

Иқтисодий ўсиш суръатлари факт ва рақамларда яққол намоён бўлади. Жумладан, 2020 йилнинг биринчи ярим йили давомида “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ томони-

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖда жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра жами 3 минг 74 ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Заводда ишлаб келаётган 846 нафар ёш ишчи-ходимга (30 ёшга тўлмаган) қатор имкониятлар яратилган.

дан 1056,4 минг тонна хом ашё олиб келиниб, шундан 1029,9 минг тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Махсулот сотишдан соф тушум 3349,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Шу жумладан, сотилган маҳсулот таннархи 1982,4 миллиард сўм бўлди.

Ушбу муддат давомида чет эл корхоналаридан 341,9 минг тонна, яъни 130,4 миллион АҚШ доллари микдоридаги импорт хом ашё сотиб олинди. Бунинг учун республика тижорат банкларидан 30,0 миллион АҚШ доллари микдорида кредит олинди.

8099,28 тонна нефть маҳсулотлари экспорт қилиниб, 2052,0 минг АҚШ доллари микдоридаги валюта маблағи туширилди. Давр харажатлари 295,9 миллиард сўмни, сотиш харажатлари 168,9 миллиард сўмни, жумладан, темир йўл харажатлари 70,2 миллиард сўмни, маъмурий хўжалик харажатлари 10,5 миллиард сўмни, бошқа операциялар харажатлар 116,5 миллиард сўмни ташкил қилди. Солиқ ва бюджетга мажбурий тўловларга 382,4 миллиард сўм тўланди. 2020 йилдаги 6 ойлик соф фойда 374,5 миллиард сўмга етди. Ортада қолган йилнинг иккинчи ярмидаги рақамлар бундандал салмоқли, албатта.

Ўз навбатида, завод “Евро-5” дизель ёнилғисини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Корхонани модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш тезлашди. Завод модернизацияси бўйича базавий лойиҳа (FEED)ни ишлаб чиқишни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаси ижроси ва завод реконструкцияси билан боғлиқ масалалар янгича суръат касб этди. Бунинг учун муҳандислик хизматларини кўрсатиш юзасидан келишувларга эришилди. Маҳсулот (пропан совиткичи, пиролизли газولين)ни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш дастури бўйича ишлар йўлга қўйилди. “Джет А-1” авиация ёнилғисини ишлаб чиқаришда “UzGTL” маҳ-

дан “НР-608” русумли янги турдаги каталитик тизимга алмаштирилди.

Албатта, буларнинг барчаси маҳаллий кадрларнинг ортиб бораётган малакасидан, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўрнатилган мустаҳкам алоқалардан далолат беради.

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖда жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра жами 3 минг 74 ишчи-



ходим меҳнат қилмоқда. Заводда ишлаб келаётган 846 нафар ёш ишчи-ходимга (30 ёшга тўлмаган) қатор имкониятлар яратилган.

Нефть ва газни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхонамизда республикамиздаги бир қатор олий ҳамда ўрта махсус ўқув юр்தларининг техникавий йўналишдаги мутахассисликлар битирувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда. Жумладан, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети, И. Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети Тошкент филиали, Бухоро муҳандислик-техно-



логия институти каби олий ўқув юр்தлари, шунингдек, Бухоро нефть-газ саноати коллежи битирувчилари уч томонлама шартнома асосида ўз мутахассисликлари бўйича бандлиги таъминланмоқда. Ишга қабул қилинган битирувчиларга заводда кўп йиллик иш тажрибасига эга мутахассислар устоз сифатида бириктирилган.

Амалий, доимий ва натижадор эътибор

Корхона нафақат иқтисодий, балки ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳам салмоқли ўрин тутади. Бугунги кунда “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ маҳсулот ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни ўз ичига олган катта мажмуа ҳисобланади. Корхона томонидан нафақат ишчи-ходимлар, балки яқин атрофдаги аҳоли пунктларида истикомат қилувчилар учун нефтьчилар шаҳарчаси, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, маданият саройи, ёшлар меҳмонхонаси ва иқлимни омматиш учун сунъий кўл барпо этилди.

Сўнгги 23 йил ичида нефтьчилар шаҳарчаси барча зарур ижтимоий инфратузилмага эга бўлган масканга айланди. Завод ишчилари ва уларнинг оила аъзолари учун 700 дан ортиқ замонавий коттежлар барпо этилди, маданий иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Корхонада ходимларнинг соғлиғини асрашга, яхшилашга катта эътибор қаратилади. Доимий тиббий кўрик натижаларига кўра ва завод ходимларининг илтимосига биноан ҳар йили 250 нафарга яқин ишчилар мамлакатимизнинг турли сихатгоҳлари ҳамда шифохоналарида саломатлигини мустаҳкамлайди. Ўқув йили сўнггида завод ишчиларининг мингта яқин мактаб ёшмадаги фарзандлари “Нефчи” ёзги соғломлаштириш оромгоҳида дам олишади. У ерда қизқирчи ва маъмуний ёзги таътил учун барча шароит яратилган.

Вилоятнинг туманларидан қатнаб ишловчи ишчи-ходимлар ётоқхона билан таъминланган бўлиб, бу ерда улар ишдан бўш вақтда маданий дам олиши учун барча қўлайлик йўлга қўйилган.

2018 йилда “UzGTL” МЧЖга мақсадли кадрлар тайёрлаш дастури бўйича вилоят туманларидан ҳамда бошқа вилоятлардан қатнаб ишлаётган стажёр ходимлар учун маъмурий бино таъмирланиб, 85 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди. Асо-

«Дўстлар клуби» лойиҳаси амалга оширилмоқда

Иқтисодий ривожланишни маънавий юксалишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамаси тавсиясига кўра, “Бухоро нефтни қайташ ишлаш заводи” МЧЖ ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ўртасида “Дўстлар клуби” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Сўнгги икки йил давомида ана шу ҳамкорлик натижасида вилоятда яшаб ижод қилаётган турли ёшдаги шоир-ёзувчиларнинг 20 га яқин китоблари нашр этилди, уюшма вилоят бўлими моддий-техника базаси мустаҳкамланди, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш имкониятлари янада кенгайди. Бу имкониятлардан завод ишчи-ходимларининг фарзандлари ҳам фойдаланишмоқда. Улар орасида ҳамкорликда ташкил этилаётган танлов ҳамда маънавий-маърифий тадбирларнинг

фoал иштирокчилари, голиб ва совриндорлари кўпчиликни ташкил қилади.

Корхонада ходимларни рағбатлантириб бориш ҳам яқши аънанага айланган. Ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга эга бўлган, ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятига ўзининг муноси хиссасини қўшаётган ходимлар раҳбарият томонидан фaҳрий ёрлик, ташаккурнома, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, гигант корхонамизда эришилаётган ютуқлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу, жамoамиз ҳар бир аъзосининг катта масъулият билан меҳнат қилаётгани туфайли, албатта. Зеро, бугунги ишлаб чиқариш жараёни ўн йил олдинги шароитлардан кескин фарқ қилади. Модернизация тадбирлари натижасида ишлаб чиқаришга янгидан-янги замонавий технологиялар жорий этилаётир. Бу эса ишчи-ходимлар малакасини мунтазам ошириб боришни заруратга айлантирмоқда.

Бунй яқши англаган жамoа мутахассислари, ишчи-ходимлар ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаяпти. Шижoатли меҳнатлари билан юртимиз раванкига, эл фаровонлигига салмоқли хисса қўшаётир. Корхона истикболи сифатида эътироф қилинаётган ютуқлар эса жамoанинг бу вазифаларни сидқидилдан адо этиб келаётганидан яққол далолатдир.

Карим АБДУРАХИМОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Реклама ўрнида

